

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3271
2020 yil 30 iyun



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИННИГ
ҚАРОРИ

**Умумтаълим муассасаларида синфларни комплектлаш ҳамда тарификация
рўйхатларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарор қиласди:

1. Умумтаълим муассасаларида синфларни комплектлаш ҳамда тарификация рўйхатларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиклансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ таълими вазири

Ш. Шерматов

Тошкент ш.,
2020 йил 22 июня
8 МХ-сон



Молия вазири

Т. Ишметов

Тошкент ш.,
2020 йил 22 июня
ХР-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. Шадманов

Тошкент ш.,
2020 йил 22 июня
124/1-сон



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги, Молия вазирлиги
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2020 йил 20 июнданги 8-мх, 28,
124/1-сон қарорига
ИЛОВА

Умумтаълим муассасаларида синфларни комплектлаш ҳамда тарификация рўйхатларини шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ умумтаълим муассасаларида синфларни комплектлаш ҳамда ўқитувчиларнинг тарификация рўйхатларини шакллантириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
базавий тариф ставкаси – бир ставка дарс соати учун ўқитувчининг маълумоти ва малака тоифасига кўра белгиланган базавий ҳақ миқдори;
ўқитувчининг тариф ставкаси – ўқитувчига бириктирилган дарс соатлари асосида бир ставка учун белгиланган базавий тариф ставкадан келиб чиқиб аниқланадиган миқдор;

синф комплекти – ўқувчиларни белгиланган меъёрлар асосида битта синфга жамлаш;

дарс соатлари сеткаси – умумий ўрта таълимнинг таянч ўқув режаси асосида умумтаълим муассасасининг синфлар сони, синф комплектидаги ўқувчилар сони ва тегишли мутахассислик бўйича ўқитувчилар мавжудлигини инобатга олган ҳолда барча фанлар бўйича шакллантирилган жами дарс соатлари;

электрон дастур – умумтаълим муассасалари тўғрисида зарур маълумотлар киритиладиган ва исталган вақтда Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ушбу маълумотлардан фойдаланиш имкониятини яратиб берувчи дастур.

2. Ушбу Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи умумтаълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилади.

2-боб. Умумтаълим муассасаларида синфларни комплектлаш

3. Умумтаълим муассасаларининг синфлари ўқувчилар сонидан келиб чиқиб, қўйидаги меъёрлар асосида комплектланади:
шахар ҳудуди ва туман марказларида 25–35 нафаргача;
қишлоқ ҳудудларида 20–35 нафаргача (олис (тоғли, чўлли) ҳудудларда жойлашган умумтаълим муассасалари бундан мустасно).

Ўқувчилар сони мазкур меъёрлардан кам бўлган ҳолларда умумтаълим муассасаси ҳамда туман (шахар) ҳалқ таълими ва молия бўйимлари билан келишилган ҳолда синфлар комплектланади.

Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари, Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасалари, Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасалари ҳамда айрим фанлар чукур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида синфлар тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги 173-сон “Айрим фанлар чукур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2011 йил 13 сентябрдаги 256-сон “Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги меъёрий-хукуқий хужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги, 2019 йил 17 октябрдаги 880-сон “Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ комплектланади.

4. Кам комплектли умумтаълим муассасаларида (филиалларда) бошланғич синф ўқувчилари қуйидаги ҳолларда битта синфга бирлаштирилиши мумкин:

ўқувчилар сони 8 нафаргача бўлган I–IV синфлар;

ўқувчилар сони 12 нафаргача бўлган учта бошланғич синф;

ўқувчилар сони 24 нафаргача бўлган иккита бошланғич синф (I ва III, II ва IV синфлар).

5. Намунавий лойиҳалар бўйича курилмаган, мослаштирилган биноларда жойлашган, ўқувчилар сони етарли бўлмаган умумтаълим муассасаларида, олис (тоғли, чўлли) худудларда жойлашган умумтаълим муассасаларида, шунингдек, ўзбек тилида ўқитилмайдиган умумтаълим муассасаларида ўқувчилар сони синфларни комплектлашнинг ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиқиб, худудий ҳалқ таълими бўлинмалари ва худудий молия органлари билан келишилган ҳолда белгиланади.

6. Умумтаълим муассасаларида синфлар комплектларини шакллантиришда синфлар бўйича жами ўқувчилар сони, шу жумладан ўғил ва қиз бола ўқувчилар, инклузив таълим ва якка тартибда уйда таълим олувчи ўқувчилар сонининг мазкур Низомнинг З-бандида кўрсатилган меъёрларга мувофиқ бўлиши ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилиниши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан оқилона фойдаланиш ва ортиқча харажатларга йўл қўймаслик мақсадида умумтаълим муассасаларида мазкур Низомда белгиланган меъёрлардан ортиқ синфлар комплектларини шакллантиришга йўл қўйилмайди.

7. Умумтаълим муассасалари ҳар йили 30 августга қадар таълим олаётган ҳамда I синфга қабул қилинаётган ўқувчиларнинг номма-ном рўйхатини шакллантиради ҳамда электрон дастур орқали маълумотларни тегишлилиги бўйича ҳудудий халқ таълими бўлинмалари ва ҳудудий молия органларига кўриб чиқиш учун юборади.

Синфлар комплектини шакллантириш тўғрисидаги маълумотларнинг тўғри ва ҳақоний киритилиши учун умумтаълим муассасасининг директори масъул хисобланади.

8. Умумтаълим муассасалари томонидан электрон дастур орқали юборилган синфлар комплектини шакллантириш тўғрисидаги маълумотлар ҳудудий халқ таълими бўлинмалари ва ҳудудий молия органлари томонидан қуидаги мезонлар асосида кўриб чиқилади:

умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудуд (микроҳудуд) бўйича бир-бирига яқин бўлган умумтаълим муассасаларидаги ўқувчилар сони ва синф комплектини ўзаро таққослаш;

бошқа умумтаълим муассасаларидан келган ва кетган ўқувчиларнинг умумтаълим муассасаси директори буйруғи асосида саноққа киритилганлиги ёки саноқдан чиқарилганлиги ўрганиш;

ҳар бир синф бўйича ўтган йилга нисбатан синф сонининг ўсиши ёки камайишини таҳлил қилиш;

қиз ва ўғил болалар сонидан келиб чиқиб, синф ўқувчиларининг гурухларга тўғри ажратилганлиги ўрганиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда сунъий равишда синфлар сонининг кўпайиши ҳолатларига йўл қўймаслигини ўрганиш.

9. Ҳудудий халқ таълими бўлинмалари ва ҳудудий молия органлари томонидан кўриб чиқилган синфлар комплектини шакллантириш тўғрисидаги маълумотлар ҳар йили 15 сентябрга қадар тасдиқланади ёки аниқланган хато ва камчиликларни асослантирган ҳолда қайта ишлаш учун юборилади.

Қайта ишлаш учун юборилган синфлар комплектини шакллантириш тўғрисидаги маълумотлар умумтаълим муассасаси томонидан қайта кўриб чиқилади ва ҳудудий халқ таълими бўлинмалари ҳамда ҳудудий молия органларига икки иш куни ичida электрон дастур орқали тасдиқлаш учун қайтадан юборилади.

10. Ҳудудий халқ таълими бўлинмалари ҳамда ҳудудий молия органлари томонидан кўриб чиқилган ва тасдиқланган синфлар комплектини шакллантириш тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳудудий халқ таълими бўлинмасининг ўз ҳудудидаги умумтаълим муассасаларида ташкил этиладиган синфлар комплектлари тўғрисидаги тегишли буйруғи қабул қилинади.

11. Ҳар йили январь ойида зарурат туғилганда синфлар комплектлари мазкур Низомга асосан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

12. Тегишли молия йили учун тузилган харажатлар сметасида кўзда тутилган синфлар сонидан ортиқ синфларни ташкил этиш, худудий халқ таълими бўлинмалари ва худудий молия органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

3-боб. Тарификация рўйхатларини шакллантириш

13. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тарификация рўйхатларини шакллантириш учун умумий ўрта таълимнинг таянч ўкув режаси ишлаб чиқилади.

14. Умумтаълим муассасалари умумий ўрта таълимнинг таянч ўкув режаси асосида ҳар йили 10 сентябрга қадар умумтаълим муассасасининг дарс соатлари сеткасини шакллантиради.

Бунда таълим қоракалпоқ, рус, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман тилларида олиб бориладиган кам комплектли умумтаълим муассасаларида ўқиш, она тили ва адабиёт фанлари бўйича дарс соатлари сеткаси ўқувчилар таълим олишни хоҳлаган тилдан келиб чиқиб, умумтаълим муассасалари томонидан худудий халқ таълими бўлинмалари билан келишилган ҳолда шакллантирилади.

15. Умумтаълим муассасалари томонидан шакллантирилган дарс соатлари сеткаси умумтаълим муассасасининг педагогик кенгаши томонидан икки иш куни ичида кўриб чиқилиб, ҳар йили 15 сентябрга қадар ўқитувчиларга дарс соатлари қуидаги кўрсаткичларнинг устувор кетма-кетлиги асосида тақсимланади:

халқаро олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган ўқитувчилар;

ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган халқаро олимпиадалар ғолиблари;

чет тили ва STEAM фанларидан мутахассислиги бўйича халқаро сертификатларга эга ўқитувчилар (TESOL Level 5, CEFR B2, IELTS 6 ва ундан юқори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланадиган бошқа сертификатлар);

TOP-1000 университетлар рейтингига кирадиган дунёning етакчи университетларини битирган ўқитувчилар;

асосий олимпиадаларнинг республика босқичи ғолибларини тайёрлаган ўқитувчилар;

ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган асосий олимпиадаларнинг республика босқичи ғолиблари;

республика босқичидаги кўрик танловларда (йил ўқитувчиси) совринли ўринларга эга бўлган ўқитувчилар;

олий малака тоифасига эга ўқитувчилар;

биринчи малака тоифасига эга ўқитувчилар;

асосий олимпиадаларнинг вилоят ва туман босқичи ғолибларининг ўқитувчилари;

иккинчи малака тоифага эга ўқитувчилар;

педагогик йўналиш бўйича магистр даражасига эга ўқитувчилар;

белгиланган тартибда ўз фанидан ўтказилган назарий ва амалий синовлар натижаси бўйича аъло баҳоларга эга ўқитувчилар;

олий маълумотли тоифасиз ўқитувчилар;

қайта тайёрлаш бўйича дипломга эга ўқитувчилар;

олий таълим муассасаларининг педагогик йўналиш бўйича битирувчи босқич талабалари;

педагогик йўналиш бўйича хорижий давлатларнинг олийгоҳларини битирган, бироқ дипломи тан олинмаган ўқитувчилар;

олий маълумотли ўқитувчилар билан таъминлангунига қадар ўрта маҳсус, профессионал маълумотга эга ўқитувчилар;

олий маълумотли ўқитувчилар билан таъминлангунига қадар умумтаълим муассасасининг тегишли мутахассислиги бўйича раҳбар ходимлари.

Умумтаълим муассасасининг педагогик кенгаши томонидан дарс соатлари қайта тақсимланishi мумкин.

16. Юқоридаги кўрсаткичлар кетма-кетлик асосида устунликка эга бўлган ўқитувчиларга дарс соатларининг максимал миқдорлари белгиланиши тавсия этилади.

Максимал дарс соати олиш имкониятига эга бўлган ўқитувчининг ёзма розилиги билан унга ажратилиши мумкин бўлган дарс соатлари бошка ўқитувчиларга берилиши мумкин.

Ўқитувчи мазкур Низомнинг 15-бандида белгиланган кўрсаткичларнинг бир нечтасига эга бўлганда, кўрсаткичларнинг энг устуварини инобатга олган ҳолда дарс соатлари тақсимланади.

Айнан бир хил кўрсаткичлар мавжуд бўлган бир нечта ўқитувчилар ўртасида дарс соатлари тенг тақсимланади.

17. Умумтаълим муассасаларининг ўқитувчиларига йиллик бир ярим ставкадан (йиллик 2 322 соат) ортиқ дарс соатлари белгиланишига йўл кўйилмайди.

18. Умумтаълим муассасасининг педагогик кенгаши томонидан тақсимланган дарс соатлари ҳар йили 17 сентябрга қадар электрон дастурга киритилади.

19. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили ҳамда бола парваришидан қайтган ўқитувчиларга, шунингдек, ишловчи пенсионерларга дарс соатлари меҳнат қонунчилигига асосан мазкур Низомнинг 15-бандида белгиланган кўрсаткичлар устувор кетма-кетлиги асосида тақсимланади.

20. Ўқитувчиларнинг тарификация рўйхатини шакллантириш мақсадида умумтаълим муассасаси томонидан ҳар йили 20 сентябрга қадар электрон дастурга қуидаги маълумотлар киритилади:

ўқитувчилар тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан исми, фамилияси, отасининг исми, диплом бўйича маълумоти, малака тоифаси тўғрисида маълумотлар;

базавий тариф ставкалари тўғрисида маълумотлар, шу жумладан ўқитувчининг тариф ставкалари тўғрисида маълумотлар (бунда ўқитувчининг ҳар бир фан учун маълумоти ва тегишли малака тоифаси берилган санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилади);

педагогик кенгаш томонидан ўқитувчилар ўртасида тақсимланган дарс соатлари;

дафтарларни ва ёзма ишларни текширганлик учун қўшимча ҳақ тўловлари;

информатика кабинети мудирлиги учун қўшимча ҳақ тўловлари;

ўқитувчига бириктирилган синф ва синф раҳбарлиги учун қўшимча ҳақ тўловлари;

ўйда якка тартибда машғулотлар олиб бораётган ўқитувчиларга тақсимланган дарс соатлари ва улар бўйича ўқитувчи ходимнинг тариф ставкалари;

ўқитувчиларга директор жамғармаси ҳисобидан белгиланган ҳар ойлик устамалар микдорлари (фоизи ва микдори кўрсатилади);

амалдаги меъёрий хужжатларга мувофиқ белгиланадиган бошқа устама ва қўшимча тўловлар.

21. Умумтаълим муассасаси директорининг ўқув ишлари бўйича ўринbosари томонидан электрон дастурга киритилган ўқитувчиларнинг тарификация рўйхати тегишилиги бўйича ҳудудий халқ таълими бўлинмалари ва ҳудудий молия органларига ҳар йили 20 сентябрга қадар кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун юборилади.

Электрон дастурга ўқитувчиларнинг тарификация рўйхатининг тўғри ва ҳақоний киритилиши учун умумтаълим муассасаси директорининг ўқув ишлари бўйича ўринbosари масъул ҳисобланади.

22. Ҳудудий халқ таълими бўлинмалари ва ҳудудий молия органлари ҳар йили 25 сентябрга қадар ўқитувчиларнинг тарификация рўйхатини кўриб чиқади ва уларни тасдиқлайди ёки тасдиқлашни рад этади.

23. Ҳудудий халқ таълими бўлинмалари ва ҳудудий молия органлари томонидан ўқитувчиларнинг тарификация рўйхати қуидаги мезонлар асосида кўриб чиқилади:

бир ставкада ишловчи ўқитувчи учун бошлангич I–IV синфлардаги ҳафталиқ ўқув юкламаси – 18 соат ва педагогик юкламаси – 18 соатни ҳамда

юқори V–XI синфлардаги ҳафталик ўкув юкламаси – 20 соатни ва педагогик юклама – 16 соатни ташкил этади, бунда ўқитувчининг педагогик юкламаси ҳафталик ўкув юкламасига мос равишда бошланғич I–IV синфларда 1,0 коэффициентга, юқори V–XI синфларда 0,8 коэффициентга кўпайтирилган ҳолда ҳисобланганлиги;

умумтаълим муассасасининг раҳбар ходими (директор ва унинг ўринбосарлари) томонидан асосий лавозимнинг бир ҳафтада 10 соатгача ҳажмда ўқитувчи лавозими билан қўшиб олиб борилганлиги (ўкув юкламаси юритилишига) ҳамда улар томонидан бажарилган дарс соатларига соатбай ҳақ тўланганлиги;

умумтаълим муассасаларининг уйда якка тартибда машғулотлар олиб бораётган ўқитувчиларига ҳақ тўлаш базавий тариф ставкасини ўкув ва педагогик юкламаларга бўлиш, уларни якка тартибда ўтказилган ҳақиқий дарс соатларига кўпайтириш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон “Халқ таълими тизими ходимларига ҳақ тўлашни тартибга солиш тўғрисида”ти қарорида белгиланган ўқитувчининг тариф ставкаси ҳамда лавозим маошлари миқдорига қўшимча ойига 50 фоиз тўлов амалга оширилганлиги (бунда якка тартибда ўкувчини уйда ўқитаётган ўқитувчиларнинг асосий ойлик юкламаси мактабда бўлиши шарт);

дафтарларни ва ёзма ишларни текширганлик учун қўшимча ҳақ ўқитувчининг дафтарлар ва ёзма ишлар бўйича текшириладиган фанларнинг умумий соатлари ва синф комплектидаги ўқувчилар сонидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланганлиги;

синф раҳбарлиги учун қўшимча ҳақ синфдаги ўқувчилар сонига кўра белгиланган миқдорлар бўйича ҳисобланганлиги;

умумтаълим муассасаларида ўқитувчиларга биттадан ортиқ синфга раҳбарлик қилишга ва меҳнатини соатбай асосда олиб борувчи ўқитувчиларга синфга раҳбарлик қилишга йўл қўйилмаслиги (бунда бошланғич синфларда синф раҳбарлиги она тили, ўкиш ва математика фанларидан дарс ўтадиган ўқитувчиларга юклатилади);

информатика кабинети мудирлиги учун қўшимча тўловлар белгиланган миқдорлар асосида умумтаълим муассасасидаги мавжуд жиҳозланган информатика кабинети сонига кўра ҳисобланганлиги;

информатика кабинети мудирлиги информатика фани ўқитувчисига юклатилганлиги (бунда информатика фани бўйича мутахассис бўлмаган ҳолларда математика ёки физика фанлари ўқитувчиларига бириктирилиши мумкин, бир нафар информатика фани ўқитувчисига биттадан ортиқ информатика кабинети юклатилганда фақат битта информатика кабинети мудирлиги учун қўшимча ҳақ белгиланади);

директор жамғармаси ҳисобидан ҳар ойлик устамалар белгиланадиган ўқитувчилар рўйхати умумтаълим муассасасида ташкил этилган Устамалар белгилаш, моддий рафбатлантириш ва моддий ёрдам бериш бўйича ишчи гуруҳ томонидан белгиланган талабларга кўра аниқланиши ва устамалар миқдорлари ўқитувчининг тариф ставкасига нисбатан ҳисобланганлиги;

умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига ҳар ойлик қўшимча тўловлар ва устамалар амалдаги меъёрий хужжатларга мувофиқ белгиланганлиги;

умумтаълим муассасасида фанлар бўйича вакант соатлар учун маблағларни режалаштириш барча устама ва қўшимчаларни (директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланадиган устамалар бундан мустасно) инобатга олиб, бир ставкада ишловчи олий маълумотли ўқитувчининг базавий тариф ставкаси ҳисобидан келиб чиқсан ҳолда электрон дастур орқали ҳисобланганлиги;

вакант синф раҳбарлиги бўйича қўшимча ҳақ тўловлари синфдаги ўкувчилар сонига кўра белгиланган миқдорларда ҳисобланганлиги.

24. Ўқитувчиларнинг тарификация рўйхати мазкур Низомнинг 23-бандидаги мезонларга мувофиқ ҳолда тўлдирилган бўлса, улар ҳудудий халқ таълими бўлинмалари ва ҳудудий молия органлари томонидан тасдиқланади.

Мазкур Низомнинг 23-бандидаги мезонларга номувофиқ ҳолда тўлдирилган ўқитувчиларнинг тарификация рўйхатини тасдиқлаш рад этилади.

Ҳудудий халқ таълими бўлинмалари ва ҳудудий молия органлари томонидан тасдиқлаш рад этилган ўқитувчиларнинг тарификация рўйхати хато ва камчиликларни асослантирган ҳолда қайта ишлаш учун умумтаълим муассасасига қайтарилади.

Ҳудудий халқ таълими бўлинмалари ва ҳудудий молия органлари томонидан қайтарилган ўқитувчиларнинг тарификация рўйхати умумтаълим муассасаси томонидан икки иш куни ичида қайта кўриб чиқилади ва электрон дастур орқали қайта юборилади.

Қайта юборилган ўқитувчиларнинг тарификация рўйхати ҳудудий халқ таълими бўлинмалари ва ҳудудий молия органлари томонидан бир иш куни ичида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

25. Ўқитувчиларининг тарификация рўйхати ўзгартирилиши ва қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Бунда ўқитувчилар ўртасида жами дарс соатлари режаси доирасида киритиладиган ўзгартиришлар умумтаълим муассасаси томонидан амалга оширилади.

Ўқитувчиларнинг тарификация рўйхатидаги синф сонининг кўпайиши ёки камайиши оқибатида киритиладиган ўзгартиришлар тегишли ҳудудий халқ таълими бўлинмалари ва ҳудудий молия органлари томонидан қайта тасдиқланиши лозим.

26. Бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига мувофиқ оширилган тақдирда халқ таълими муассасалари ходимларининг базавий тариф ставкалари (лавозим маошлари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда қайта кўриб чиқилади.

Қайта кўриб чиқилган базавий тариф ставкалари (лавозим маошлари) асосида ўқитувчиларнинг тарификация рўйхати электрон дастур орқали қайта шакллантирилади.

4-боб. Якуний қоида

27. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

}

